

Майитни дафнга тайёрлаш (3)

05:00 / 18.01.2017 6013

Барча мавжудотларни йўқдан бор қилган, ҳар бир нарсага қодир Аллоҳ таолога беадад ҳам-санолар бўлсин.

Умматларига ҳар бир ишнинг энг нозик нукталаригача билдириб, ўргатиб кетган икки олам сарвари Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга дурудду салавотлар бўлсин.

Расулуллоҳдан ўрганиб, ўзидан кейингиларга ўргатган саҳобаи киромларга Аллоҳнинг розилиги бўлсин.

Динимизда инсон ҳуқуқлари жуда ҳам мукамал даражада белгилаб қўйилган. Барча йўл-йўриқлар батафсил, гўзал услубда баён қилинган. Ислонда инсон ҳуқуқлари нафақат ижтимоий ҳаётда, балки вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилинади. Вафот этган инсоннинг ҳам ўзига яраша ҳақ-ҳуқуқлари бўлади. Мазкур ҳуқуқларнинг асосийлари майитнинг тириклар зиммасидаги ҳақлари ҳисобланади. Биз қуйида ана ўша ҳақлардан бири жаноза намози хусусида суҳбатлашамиз.

Ҳукми

Жаноза намози фарзи кифоя бўлиб, ҳанафий мазҳаби бўйича дуо ҳисобланади.

Аллоҳ таоло айтади:

مُؤَلِّئُكَ أَتَىٰ نِجْمَ الْعِلْمِ وَأَهْبَمَ يَكْرُتًا وَمُؤَرِّطُكَ قَدَّصَ مَوْلَاؤُمَا نَمُوحٌ
مُيَلِّعُ عَيْمَاسُ الْوَلَلِ أَوْ

“Мол-мулкларидан уларни у сабабли поклашингиз ва тозалашингиз учун садақа олинг ва улар (ҳаққи) га дуо қилинг! Албатта, дуоингиз уларга таскин (тасалли)дир. Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир”.

Тавба сураси 103-оят.

Уламолар “Бу ўринда дуодан мурод жаноза намози”, деб айтганлар.

مَلْسُومَ عَزَّاجَ عَبَّاتٍ نَمَلًا قَمَلًا مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَصَّ لَلِ لُؤْسَرَّ نَأَ عَزَّيْرُهُ يَبَّأَنَ ع
نَمُ عَجْرِي هَنِّإْفِ أُونْفَدِّ نَمُ عَزْفَيَّ وَأَهْيَلَعِ لَصَّيَّ يَتَّحُّ عَمَّ نَأَكَّ وَأَبَّاسَتْحِ أَوَّانَامِي
نَفْدُتْ نَأَلْبَقَّ عَجْرُ مَثَّ أَهْيَلَعِ لَصَّيَّ نَمَّ وَدُحُّ أَلْثَمَّ طَارِيْقُ لُكَّ نِيَّ طَارِيْقُ بَرِّجِ أَلِ
يِرَاخِ بَلِ هَاوَرِ طَارِيْقُ بَعَجْرِي هَنِّإْفِ

Абу Хурайра розиаллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Ким иймон ва савоб умиди ила бир мусулмоннинг жанозасига қатнашса, жанозаси ўқилиб дафнидан фориғ бўлингунча турса, икки қийрот ажр билан қайтади. Ҳар бир қийрот Уҳуд тоғичадир. Ким жанозани ўқиса ва дафн қилинмай туриб қайтса, бир қийрот билан қайтади”, деб айтдилар” .

Бухорий ривояти.

Жаноза намозининг ҳикмати маййитга дуо ва шафоат қилишдир, албатта, бу ихлос билан бўлади.

هُوَ أَوْرَاءُ عَادِلٍ هَلْ أَوْصَلَ حَافِ تَيِّمٌ لِمَا لَعَّ عُمُتِي لَصَّ إِذْ لَقِيَ بِنَلِّ نَعَّ عَزَّيْرُهُ يَبَّأَنَ ع
نَأَبْحُ نُبَّأَوَّ دَوَادُ وَبَأَ

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Қачон маййитга намоз ўқисангиз, унга дуони ихлос ила қилингиз”, дедилар”.

Абу Довуд ва Ибн Ҳиббон ривоят қилган.

Тўрт тоифа инсонларга жаноза ўқилмайди:

- Боғийлар (қарши чиқаётган урушларида вафот этсалар).
- Йўл тўсарлар (йўл тўсарлик қилаётганларида қаршиликка учраб вафот этсалар).
- Тарафкашлар (тарафкашлик қилиб урушётган чоғларида вафот этсалар).
- Зўравонлар (қурол-яроқ ёки бўғиш билан зулм ўтказётган чоғларида қаршиликка учраб вафот топсалар).

Жаноза намозига имом бўлишга ким ҳақли?

Бу борада ҳанафий уламолар “Энг ҳақли киши подшоҳ ёки ноиби, улар бўлмаган чоғда қози, у ҳам бўлмаса, маҳалла масжидининг имоми”, деганлар. Бироқ, бизнинг ҳозирги давримизда аввал диний идора бошлиғи, сўнг унинг ноиби ёки диний идора юборган вакил десак, хато қилмаган бўламиз. Улар бўлмаса, маййит яшаган мавзе жомеъ масжидининг имоми ҳақли бўлади. Сўнгра никоҳ асабалари тартиби бўйича мукаллаф эркак валий имомликка ҳақли. Лекин ота ҳурмат юзасидан ўғилдан муқаддам қўйилади. Агар ўғил илмли, ота илмсиз бўлса, бундан мустасно. Сўнг ака ва укаси каби валийлари, кейин қариндош-уруғлари ҳақлидирлар.

Валийлар тартибининг қисқача тафсили қуйидагича:

1. ота;
2. ўғил;
3. ўғилнинг ўғли, қанча пастласа ҳам;
4. бобоси, қанча юқори бўлса ҳам;
5. ака-укаси;
6. ота бир ака-укаси;
7. ака-укасининг ўғли, ҳудди шу тарзда, яқиндан яқинроғи имом бўлишга ҳақли бўлади.

Жаноза ўқишга ҳақли киши ўз ҳаққини бировга тақдим этиши ҳам мумкин. Жаноза ўқишга ҳақли киши маййитнинг “жанозамни фалончи ўқисин”, деб васият қилган кишисидан ҳам ҳақлироқдир. Яъни, жаноза ўқишга ҳақли киши турганда унинг васияти бекор бўлади.

Ўлим сабабли боғлиқлик узилгани учун эр хотинига валий бўлмайди. Аммо хотиннинг валийси бўлмаса, эри жаноза намозини ўқишга ҳақлироқдир, сўнгра қўшниси бошқадан кўра яхшироқдир.

Бир нечта маййитга жаноза ўқиш

Барча мазҳаб уламолари бир нечта маййитга бирданига, бир марта намоз ўқиш мумкинлигига ҳам, ҳар бирига алоҳида-алоҳида намоз ўқиш афзаллигига ҳам иттифоқ қилганлар. Иккинчи кўринишда маййитларнинг афзал бўлгани бошқаларига муқаддам қилинади.

Ҳанафий уламолар шундай дейдилар:

“Бир нечта маййитни тўплаб бирданига намоз ўқилганда

□ маййитлар теккис, бир саф қилиб қўйилади. Имом эса афзалини олдида туриб намоз ўқийди.

□ маййитлар имомдан қибла тарафга қараб кетма-кет, ёнма-ён қўйилади. Имом уларни кўкраклари рўпарасида туради. Агар маййитлар эркак, аёл ва бола бўлса, жамоат намозидаги саф тортиш тартибида, яъни имомнинг олдида биринчи бўлиб эркак, сўнг бола, сўнг аёл қўйилади.

Жаноза намозининг шарт, рукн ва суннатлари.

Шартлари:

Жаноза намози дуруст бўлиши учун олти шарт лозим бўлади:

1. Маййит мусулмон бўлиши;
2. Пок бўлиши;
3. Аврати ёпилган бўлиши;
4. Маййитнинг ҳозир бўлиши (бошқа жойдаги, ғоиб маййитга намоз ўқилмайди);
5. Маййит бутун бўлиши ёки жасадининг ярмидан кўпи мавжуд бўлиши (ярмидан озроғи бўлса ёки ярми бошсиз бўлса жоиз эмас);
6. Маййит жаноза ўқувчининг олдида қўйилган бўлиши (жаноза ўқувчининг ортида ёки ёнида бўлса, шунингдек, от- эшакка ўхшаш улов устида ёки осиб қўйилган бўлса жоиз эмас);

Жаноза ўқувчига тааллуқли шартлар эса бошқа намозлардаги шартлар кабидир, яъни бадани, кийими, макони пок бўлиши, сатри аврат, ният,

қиблага юзланиш. Лекин жанозанинг вақти бўлмайди.

Рукнлари иккита:

1. Тўртта такбир (ҳар бир такбир бир ракъат ўрнига ўтади);

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг охириги ўқиган жанозалари тўрт такбир ила бўлганига саҳобийлар иттифоқ қилишган.

2. Тик туриш (узрсиз ўтириб ёки улов миниб намоз ўқиш жоиз эмас);

Охирида, тўртинчи такбирдан сўнг икки тарафга салом бериш эса жанозанинг вожиби ҳисобланади.

Суннатлари

Жаноза намозининг суннатлари учта:

1. Аллоҳга ҳамд айтиш:

كِرْيَغْ هِإِ اَلُو ، كَدَّجْ يَلْأَعْتَو ، كُْمْسَا كِرَابَتَو ، كَدْمَحَبَو مَهْلَلْا كَنْأَحْبُسْ

Аллоҳим! Сенга ҳамд айтган ҳолда Сени пок деб ёд этаман. Исминг муборақдир. Улуғлигинг юксакдир. Сендан ўзга илоҳ йўқдир!

إِذَا مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلْا يَلْصُ هَلْأَلْوَسْرَ نَاكَ : تَلْأَق : اَهْنَعْ هَلْأَلْا يَضْرِبُ شَيْءَ إِعْنَ
اَلُو ، كَدَّجْ يَلْأَعْتَو ، كُْمْسَا كِرَابَتَو ، كَدْمَحَبَو مَهْلَلْا كَنْأَحْبُسْ : لْأَقَ ءَالْصَلْأَحْتَتْفَا
دَوَادِ وَبَأُو ، يَذْمُرْتَلْا هَجْرُحْ أ «كِرْيَغْ هِإِ

Оиша розиаллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозга киришганда:

“Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табарокасмука ва таъала жаддука ва ла илаҳа ғойрук”, дер эдилар”.

Термизий ва Абу Довуд ривояти.

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиш:

أَنْرَكَ دَو ، أَنْرِي بَكَ وَأَنْرِي عَصَو ، أَنْبِئْ أَعْو وَأَنْدِهْ أَشَو ، أَنْتَبِّئْ مَو وَأَنْبِئْ حَلْ رَفْعًا مُهَلَّلًا
هُفَوْتَف أَنْمُهُ تَبِيْفَوْتَنْ مَو ، مَالِسْ إِيْلَا عِلْعَ وَيْحَ أَفْ أَنْمُهُ تَبِيْفِيْحَ أَنْمُهُ لَلْ إِنْ أَتْنُ وَأَنْ
نَامِي إِيْلَا عِلْعَ

Эй бор Худоё! Тиригимизни ва ўлигимизни, ҳозиримизни ва ғойибимизни,
кичигимизни ва каттаимизни, эркагимизни ва аёлимизни мағфират қилгин.
Эй бор Худоё! Биздан кимни яшатсанг, Исломда яшатгин. Биздан кимни
вафот эттирсанг, иймонда вафот эттиргин.

عَلْعَ مُهَلَّلًا عِلْعَ صِهْلًا لَوْلُؤَسَرَرْنَا كَ : لَأَقْ ، هَبْ أَيْ نَع ، سِيْلَهْ شَأْلًا مِيْهَ أَرْبِيْ بِيْ أَيْ نَع
، أَنْبِئْ أَعْو وَأَنْدِهْ أَشَو ، أَنْتَبِّئْ مَو وَأَنْبِئْ حَلْ رَفْعًا مُهَلَّلًا : لَأَقْ ، رَهْ زَانَجَلَا عِلْعَ سِيْلَصْ إِذِيْ مَلَسَو
رَبْعُ نُبْ رَهْ مَلَسْ وَبِيْ نَتَدَحْو : سِيْلَحِيْ لَأَقْ . إِنْ أَتْنُ وَأَنْرَكَ دَو ، أَنْرِي بَكَ وَأَنْرِي عَصَو
: هِيْ فِدَا زَو ، كَلْ ذَلْ لَثْمَ مَلَسَو . هِيْلَعُ مُهَلَّلًا عِلْعَ صِيْبِيْ لَلْ نَع ، رَهْ زِيْرُهُ يَبِيْ أَيْ نَع ، نَمَحْرَلْ
عِلْعَ هُفَوْتَف أَنْمُهُ تَبِيْفَوْتَنْ مَو ، مَالِسْ إِيْلَا عِلْعَ وَيْحَ أَفْ أَنْمُهُ تَبِيْفِيْحَ أَنْمُهُ لَلْ إِنْ
نَامِي إِيْلَا

Абу Иброҳим Ашҳалий отасидан ривоят қилади:

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маййитга жаноза намоз
ўқисалар “Аллоҳуммағфир лиҳаййина ва маййитина ва шаҳидина ва
ғоибина ва соғирина ва кабирина ва закарина ва унсана”, дер эдилар.

Яҳё айтади: “Менга Абу Салама ибн Абдурраҳмон Абу Ҳурайрадан, у эса
Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан шунга ўхшашини ривоят қилиб
айтиб берган. Унда “Аллоҳумма ман аҳяйтаҳу минна фааҳйихи алал ислам
ва ман таваффайтаҳу минна фатаваффаҳу алал ийман”ни зиёда қилган”.

Термизий ривояти.

Агар маййит балоғатга етмаган бола ёки мажнун бўлса юқоридаги,
катталарга айтилган дуо ўрнига ушбу дуо айтилади:

أَعْفَسْ مُعَفِّشًا وَأَشَو أَرْحُذُهُ لَعَجًا وَأَطْرَفَ أَنْ لَوْلُؤَسَرَرْنَا كَ مُهَلَّلًا

Аллоҳим! Уни бизни боришимизга фарат (ҳавз кавсар сувини тайёрлаб
кутиб олгувчи), захира қилгин. Шафоатчи ва шафоати қабул
қилинувчилардан қилгин!

Тартиби

Юқорида айтиб ўтганимиздек жаноза намози тўрт такбирдан иборат ва улар тўрт ракъат ҳисобидадир. Шу нарсани унутмаслик керакки, такбирлар рукн бўлгани учун уларни ҳамма айтиши шарт. Имом бўлса жаҳрий, ёлғиз ўқувчи ёки имомга эргашувчи бўлса, ўзи эшитадиган даражадаги овоз билан айтади. Зотан, такбирсиз жаноза намози ракъатсиз намоз сингари фосид бўлади. Жаноза намози қуйидаги тартибда ўқилади:

1. Ният қилинади;
2. Фақат биринчи такбирдагина қулоқ қоқилади (ربك اللهم);
3. Ҳамд-сано айтилади (...كذمحبو لله لئلا كنا حُبُس...);
4. Иккинчи бор такбир айтилади (ربك اللهم);
5. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтилади (...دَمْحُمَّ عَزَّوَجَلَّ صَمُّوْهُ لَلل...);
6. Учинчи бор такбир айтилади (ربك اللهم);
7. Дуо айтилади (...ان تَيَّمَّوْا نِّيْ حَلِّ رَفْعُا مُوْهُ لَلل...);
8. Тўртинчи марта такбир айтилади (ربك اللهم);
9. Иккала тарафга салом берилади (هَلَلَا مَحْرُومِكِيْ لَعَمَالَسَلَا);

Жаноза намозида қироат ҳам, ташахҳуд ҳам бўлмайди. Имом адашиб, бешинчи такбирни айтиб юборса, унга эргашмай, салом бергунча кутиб турилади ва бирга салом берилади.

Жанозада имом қаерда туради?

Маййитни жаноза учун чалқанчасига, ўнг тарафини қибла томонга қилиб ётқизилади. Жаноза ўқувчи эса маййит ҳоҳ эркак, ҳоҳ аёл бўлсин, кўкси рўпарасида, қиблага юзланган ҳолда туради. Зеро, кўкс қалб ўрни бўлиб, иймон нури ўша қалбда бўлади. Бинобарин, қалб олдида туриш маййитга иймони туфайли шафоатчилик қилинаётганига ишорадир.

Жанозани имомга эргашиб ўқувчилар имомнинг ортида саф тортиб турадилар. Таъкидлаш лозимки, саф қанча кўп бўлса, шунча яхши, ҳамда қабулига умид каттароқ бўлади.

عُتِّبَ الْعَبْدُ بِصُفَىٰ تَوَمَّيْهِمْ لَسْمٌ مِّنْ أَمِّ الْقَدِّيبِ لَنَلَّ عَزَّيْبُهُ نُبَّالٍ لِّأَمِّ نَعَىٰ
بَارِبَطَلَاوْ دُوَادُ وَبَأْ وَ دَمَحْ أَوْرَبَّ وَ أَلِ نِي مِلْسُمْ لَأَنْ مِفْ وَ فُصْ

Молик ибн ҳубайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Қайси бир мусулмон ўлганидан кейин унга мусулмонлардан уч саф (киши) намоз ўқиса, албатта, (Аллоҳ жаннатни) вожиб қилади”, дедилар”.

Аҳмад, Абу Довуд ва Табароний ривоят қилишган.

Бу ривоятда маълум бўладики, мусулмон одамнинг жаноза намозида қанча кўп саф бўлса, уларнинг майитга ўқийдиган намозлари, қиладиган шафоатлари қабул бўлиш эҳтимоли шунча купаяр экан. Бошқа ҳадисларда эса қанча кўп одам бўлса, яъни юзта, қирқта, деб айтиб ўтилган. Бунда ҳеч қандай қарама-қаршилиқ йўқ. Бу кўпгина амалларда ишлатилган услуб. Аввал юзта шарт бўлса, кейин қирқта бўлиб енгиллаштирилган бўлиши мумкин.

Ушбу ривоятлардан оладиган хулосамиз иложи борича жаноза намозида ихлосли, тақводор мўмин-мусулмонларнинг кўпроқ иштирок этишларига, жанозани ихлос билан адо қилишларига эришиш кераклигидир.

Имом билан жамоат биргаликда намоз ўқиб турган ҳолатда кеч қолиб бир ёки бир неча такбирга улгурмай қолган киши, яъни масбуқ биринчи такбирини, яъни таҳрима такбирини имомнинг энди айтадиган такбирига эргашиб айтади ва қулоқ қоқади. Мисол учун: имом иккинчи такбирни айтиб бўлганидан сўнг, салавот айтаётганида бир киши кеч қолиб келди. У ният қилиб имомга қўшилишга тайёр бўлиб, такбир айтилишини кутиб туради. Имом учинчи такбирни айтганда масбуқ ҳам такбир айтиб, қулоқ қоқиб, намозга киришади.

Имомнинг саломидан сўнг, масбуқ такбирларни кетма-кет айтиб, салом бериб намозни тугатади. Агар тобутни елкага кўтариш хавфи бўлмаса, масбуқ қолдирган такбирлар ва улар орасидаги зикрларни айтиб олади.

Агар масбуқ имом тўртинчи такбирни ҳам айтиб бўлганидан сўнг салом беришидан олдин келса, жамоатга қўшилиб, саломдан сўнг уч такбирни айтиб олади.

Жаноза намози вақти

Жаноза намозини қуйида келтириладиган вақтлардан бошқа вақтда ўқиш жоиз.

Уч вақтда ўқиш макруҳ ҳисобланади:

- Қуёш чиқаётганда;
- Кун ярми, қуёш тик келган чоғда;
- Қуёш ботаётганда;

ثَالِثٌ لِّوَقَيْهِ نَهَى الْجَلِيمَ أَنْ يَبْعَثَ عَمَّ سَلَا قَدَّهِيَ بَأَنَّ عَجَّلَ عِنْدَ بَسْمِ وَنَسَى عَنَّا
نَ وَأَنَّ نَهَى فَيَلْصُقُ نَنْ أُمَّ لَسَوْ وَهِيَ لَعْلَلِ لَصَدَّ لَلْ لُؤْسَ رَأْنَاهُ نِي نَكِّتَاعِ اس
مُؤَقَّي نَحَّ وَفَتَرَّتْ يَّ حَ غَزَابُ سُمِّ شَلُّ لَطَّ نِي حَ أَنْ تَوَمَّ نَهِيَ فَرُبُّ قَن
بُرَّ عَتَّ يَّ حَ بَ وَرُغْلَلُ فَيَضَتَّ نِي حَ وَ سُمِّ شَلُّ لِي مَتَّ يَّ حَ رِي هَ ظَلَّ

Мусо бин Али отасидан ривоят қилиб айтади:

“Уқба ибн Омирни Жуханийнинг

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларни уч вақтда намоз ўқишдан ёки ўлик кўмишдан қайтарар эдилар: қуёш чиқишни бошлагандан кўтарилиб олгунгача, туш пайтида тик келгандан то қуёш оғгунча, қуёш бота бошлагандан то ботгунча”, деган гапини эшитдим”.

“Бадоиъус-Саноиъ” китобининг муаллифлари Аллома Алоуддин Косоний роҳматуллоҳи алайҳ айтадилар:

“Ўлик кўмиш” дан мурод дафн эмас, жаноза ўқишдир. Чунки бу вақтларда дафн қилишнинг зарари йўқ”.

Дафндан сўнг жаноза ўқиш ҳукми

Маййит қабрга қўйилиб, тупроқ тортилгач унга намоз ўқилмагани маълум бўлиб қолса ёки бир неча кун ўтиб, аксар гумони маййитнинг жасадини “чирий бошламаган”, деб ҳисобласа, қабрини устида жаноза намози ўқилади. Тупроқ тортилишидан олдин эсга тушса, олиб жаноза ўқиб, дафн қилинади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Уҳуд шаҳидлари қабри устида, дафнларидан анча кейин жаноза ўқишлари бунга яққол далил бўлади. Зотан, уларга ҳали жаноза намози ўқилмаган эди.

Ғоиб (жасади ҳозир бўлмаган инсон)га намоз ўқишликнинг ҳукми

Ҳанафий мазҳаби уламолари ғоибга жаноза ўқиш жоиз эмас, деб айтадилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳабашистон подшоси Нажошийга ўқиган намозларини эса, фақатгина у зотга хос, дейдилар.

Чақалоқларга намоз ўқиш.

Маййит тирик туғилган бўлса, ювилади, унга жаноза ўқилади, марос олади ва қолдиради. Тириклик аломати овоз чиқариш, акса уриш, йиғлаш ёки бир марта бўлса ҳам қўл оёғини қимирлатиш бўлиши мумкин. Айрим ривоятларда гўдак ўлик туғилса, аммо ҳамма аъзолари бутун бўлса, ҳаётдан ҳеч бир аломат бўлмаса ҳам, ювилади ва унга исм қўйилади, дейилган. Лекин ҳам ўлик ҳам чала туғилган бўлса, ювилмайди. Устидан бир марта сув қуйиб, латтага ўраб, исм қуйиб, дафн қилинади. Чунки Имом Термизий Жобир розиаллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

ثري الوه يلع لصى ال لفظ لاق ملسو وهىلع للى لى صب نل ن ربا ن
ل هتسى ى تح ثروى الو

Яъни, “Токи овоз чиқармагунча гўдакка намоз ўқилмайди, мерос ҳам олмайди, (ундан) мерос олинмайди ҳам”, деганлар.

Жаноза намозни қаерда ўқилади?

Жаноза намозгоҳда ўқилиши афзалдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳабашистон подшоси Нажошийга жаноза намоз ўқигани

намозгоҳга чиққани бунга яққол намунадир.

Қабристонда намоз ўқиш борасида:

Қабристонда намоз ўқишлик ҳанафийлар наздида макруҳ саналади. Бу ҳақида бир қанча қайтарувлар ворид бўлган.

هَلْ يَلْعَلُ لَيْسَ - هَلْ لَأَلْ لُؤْسَرِ يَهَن : لَأَقْ أَمْ هَنْ عٌ هَلْ لَأَلْ لَأَلْ لَأَلْ دَبْعَنْ ع
رَمْ أَمْ خَلْ أَوْ لَبْ زَمْ لَأَو ، هَلْ رَزَجَمْ لَمْ لَأَو : نَطَاوْمَ هَلْ عَبَسَ يَفَ هَلْ لَأَلْ لَأَلْ نَع - مَلَسْ و
لَبْ إِلْ نَطَاغَمْ و ، يَلْ أَعْتَهَلْ لَأَلْ لَأَلْ تَبْ رَهْ طَوْ ، قِيْرَطْلْ لَأَلْ هَلْ حَمْ و

Абдуллоҳ ибн Умар розиаллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етти ўриндаги намоздан қайтардилар: ”

Қабристон, қушхона, аҳлатхона, ҳаммом, йўлнинг ўртаси, Аллоҳ уйи устида ва туяхонада”.

“Роддул-Муҳтор” соҳиблари Ибн Обидин роҳматуллоҳи алайҳ китобининг “Намозни бузадиган ва унда макруҳ амаллар” бобида қуйидагича келтирганлар:

“Қабристон ва ҳаммомга ўхшаш жойларда намоз ўқиш ҳам макруҳ ишлар жумласидан.., лекин, қабристонда намоз ўқишга тайёрланган жой бўлса, у ерда қабр ёки нажосат бўлмаса макруҳ эмас”.

Масжидда жаноза ўқиш борасида:

Масжидда жаноза ўқишлик ҳанафий ва моликий мазҳаблари наздида макруҳдир.

يَفْ هَزَانَجْ يَلْعَلْ لَيْسَ نَمْ : لَأَقْ مَلَسْ و هَلْ لَعْلَعْلْ لَأَلْ لَأَلْ لَأَلْ نَأ : هَرِيْرَهْ يَبْ أَنْ ع
يَوَاحُّ طَلْ هَلْ حَنْ أٌ هَلْ ءِشْ أَلْفِ دِجْ سَمْ

Абу Ҳурайра розиаллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

Ким масжидда жаноза ўқиса, унга ҳеч нарса (ажр) йўқ”, дедилар.

Таховий ривояти.

Маййит, имом ва қавмдан бироз одам ташқарида туриб қавм масжид ичида бўлган кўринишда уламолар турли ҳил фикрлар айтишган. Жумладан:

Баъзилар макруҳ эмас, чунки масжидни ифлос қилиш эҳтимоли йўқ, дейишган.

Бошқалар эса макруҳ, чунки у мактубот (вақтли фарз) ибодатларни адо қилиш учун мўлжалланган. Ундан бошқаларини эса узр эътибодан адо қилса бўлади, дейишган.

Фатво биринчисига, зеро масжидда турли хил тоат, дуолардан иборат нафл ва бошқа ибодатларни бажаришлик макруҳ саналмайди.

Бизнинг диёримизда ҳам ушбу фатвога амал қилинади.

Юсуфжон Жўрабоев Исроилжон ўғли